



Махмуд Ялавач Хоразмий (огуз-туркманлардан; ? — 1254) — Мўгул империясининг давлат арбоби, Хоразм хоини бўлган.

1218 йилда Чингизхоннинг Хоразмшоҳ Муҳаммад II ҳузурига юборган элчилар таркибида бўлган.

Мовароуннахрда Чингизхон ҳукмронлигидан сўнг, Угэдэйхон томонидан Хўжанддаги қароргоҳ билан Мовароуннахрга ноиб этиб тайинланган. 1238 йилда Бухородаги Махмуд Тарабийнинг исёни бостирилгандан кейин, тахминан 1239—1240 йилларда Чигатой Махмудни ўзбошимчалик билан лавозимидан четлатган, аммо кейинчалик бу ҳаракатининг қонуний эмаслигини тан олган. Шундан сўнг, Хитой чегарасидан Бухорогача бўлган ҳудудлар Махмуд Ялавачнинг ўғли Масъудбек бошқарувига ўтган.

Угэдэйхоннинг беваси Дорегене-хотун регентлиги даврида (1242—1246) Махмуд ҳукмронликдан маҳрум бўлиб, Чинка билан биргаликда Угэдэйнинг ўғли Годан ҳузурида паноҳ топган. Хотун бир неча бор уларни топширишни талаб қилган бўлса-да, Годан онасига уларни факат қурултой судига топшира олишини айтган. Гуюкхон ҳокимиятга келгандан сўнг (1246), Махмуд ярлик ва йирткич йўлбарс тасвири туширилган найза олиб, Жунду (ҳозирги Пекин) ноиби этиб тайинланган. Махмуд Ялавач 1254 йилда Жундуда вафот этган.

1230-йилларда у янги ташкил этилган Мўгул империяси аҳолисини соликка тортишни осонлаштириш учун аҳоли рўйхатини тузиш тизимини ишлаб чиққан. У мавжуд солик

тизимларини соддалаштиришда давом этиб, иккита асосий солик ташаббусини жорий этган: биринчиси жон бошига солик — кубчир, иккинчиси эса кишлок хўжалиги соликлари — калон деб номланган.

Абу Муслим